IMPACT FACTOR (RESEARCH BIB) – 7,245
SPECIAL ISSUE

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДА ОИЛАДАГИ СОҒЛОМ МУҲИТ ВА ИЖТИМОИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Махматқулов Фарход Абдирайимович
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти
“Жисмоний тарбия” кафедраси катта ўқитувчиси
Email: **farxod1962@mail.ru**

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада соғлом авлод тарбияси, оилавий муносабатлар, жисмонан соғлом болаларни тарбиялашда оилавий муҳит ва ижтимоий муносабатларнинг ўрни ва аҳамиятига оид масалалар баён этилган. Шунингдек, бола хулқ-атворининг шаклланиши ва тарбиясида икки жиҳати ёш авлодни жисмонан соғлом этиб тарбиялаш ва уларни маънавий баркамол қилиб вояга етказишда оилавий муносабатлар маданиятини такомиллаштириш йўлларига оид фикр-мулоҳазалар ва тегишли тавсиялар ёритилган.

Калит сўзлар

Тарбия жараёни, оила, оила тарбияси, оилавий муносабатлар, тарбия тизими, соғлом авлод, оилавий муҳит, шахс камолоти, ижтимоий қадриятлар, ижтимоий вазифа, биологик омил, тарбиявий иш**.**

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассмотрены вопросы, связанные с воспитанием здорового поколения, семейными отношениями, роль и значение семейной среды и социальных отношений в воспитании физически здоровых детей. Также освещены комментарии и соответствующие рекомендации по путям повышения культуры семейных отношений в формировании и воспитании поведения детей, воспитании молодого поколения физически здоровым и доведении его до взрослой жизни духовно зрелыми.

Ключевые слова

Процесс воспитания, семья, семейное воспитание, семейные отношения, система воспитания, здоровое поколение, семейная среда, созревание личности, социальные ценности, социальная задача, биологический фактор, воспитательная работа.

ANNOTATION

This article describes issues related to raising a healthy generation, family relations, the role and importance of family environment and social relations in raising physically healthy children. Also, comments and relevant recommendations on ways to improve the culture of family relations in the formation and education of children's behavior, raising the young generation to be physically healthy and bringing them to adulthood as spiritually mature, are highlighted.

Key words

Educational process, family, family education, family relations, educational system, healthy generation, family environment, personality development, social values, social mission, biological factor, educational work.

Мамлакатимизда аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаш, умрини узайтириш, маънавий ва жисмоний қобилиятларини янада такомиллаштириш масалалари давлатимиз сиёсатининг энг устувор ва марказий йўналишларидан бирига айланмоқда. Зеро, ҳукуматимиз томонидан ҳар томонлама камол топган инсонни тарбиялаб вояга етказмасдан туриб, келажаги буюк давлат қуриш мумкин эмаслиги алоҳида эътироф этилган. Ушбу мақсадлар асосида бугунги кунда жамиятни ижтимоий-маънавий юксалтириш, оилавий муносабатлар тизими, унинг жамиятда тутган ўрни, мавқеини мустаҳкамлаш, соғлом авлод тарбиясига алоҳида аҳамият бериш энг асосий муаммолардан биридир. Жамиятимизда маънавий етук, жисмонан соғлом болаларни тарбиялашда оилавий муҳит ва муносабатларнинг ўрни катта бўлиб, бу жараёнда шахс шаклланиши, унинг камолга етиши изчилликда ва тизимли амалга оширилмоқда.

Ҳар бир бола воя етгунига қадар аввал оилада, кейинчалик таълим муассасаларида тарбиячи мураббийлар таъсирида бўладилар. Болада яхши ҳулқ-атворнинг шаклланиши ва соғлом бўлиб ривожланиши учун керакли шарт-шароитлар яратилиши жуда муҳимдир. Бу жараён катталардан оилавий муносабатларда ўз вақтларини тўғри ташкил этиш ва фарзандлар тарбиясида намунали хулқ-атворни намойиш этиш каби бирмунча ҳаракатларни талаб этса-да, фарзандларининг уйдаги ва ташқи ҳаётдаги тушунчага эга бўлишлари учун ёрдам беради [1]. Ўсаётган боланинг ҳар томонлама соғлом, маънавий етук шахс сифатида камол топишида нафақат ота-оналарнинг балки тарбиячи ва ўқитувчиларнинг ўрни беқиёсдир. Чунки улар тарбиявий жараёнда, ҳаёт пиллапояларида ёш авлодга ибрат-намуна вазифасини бажаради. Ҳозирги даврда шахсни маънавий жиҳатдан баркамол килиб тарбиялаш давлат сиёсатининг бош мезони ҳисобланади. Шахснинг шаклланиши асосан биологик омил, муҳит, тарбияга, ижтимоий муносабатлар жараёнига боғликдир. Ижтимоий муносабатлар ижтимоий ҳаётнинг, айниқса, оилавий ҳаётни моҳиятини ифодалайди. Оила эса одамларнинг иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий муносабатларига асосланган ижтимоий бирликдир. Баркамол авлодни тарбиялаш икки жиҳат – ёш авлодни жисмонан соғлом этиб тарбиялаш ва уларни маънавий баркамол этиб вояга етказишни ўзида мужассамлаштиради. Инсон маънавий баркамол бўлиши учун, энг аввало, жисмонан соғлом бўлиши лозим. Ёшлар тарбиясидаги ушбу мақсад ва вазифалар жамиятимиз ривожи – келажагини таъминловчи омилдир.

Инсоннинг саломатлиги ижтимоий қадриятлар орасида энг муҳимдир. Саломатлик муаммоси мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти кўрсаткичларини бири бўлиб, бу экологик-иқтисодий ва ижтимоий-гигеник фаровонликнинг ўзига хослиги, фан-техника тараққиёти ҳамда аҳоли маданиятидаги даражаси билан ўзаро узвий боғликдир. Инсоннинг ҳаёти умумий тизимга кирувчи биологик ва ижтимоий замин билан боғланган. Демак, инсон табиий биологик вужуд бўлиб, у ўзининг келиб чиқиши, организмнинг физиологик хусусиятларига кўра табиатнинг олий маҳсулидир. Инсон ижтимоий вазифаларни бажариши, фарзандларини соғлом бўлиши, соғлом турмуш тарзига эга бўлиши, фарзандларининг моддий-маънавий камолоти учун шароит яратиши керак [2]. Жамият олдидаги мана шу ижтимоий вазифаларни бажаришда оилавий муносабатлар маданиятини такомиллаштирмасдан туриб бунга эришиб бўлмайди. Оила соғлом авлодни вояга етказувчи муҳим омил сифатида инсон камолотига, унинг бахту-саодати учун тарбиявий мақсадни кўзлар экан, фарзандларининг соғлом, ахлоқан пок ва ақлий етуклиги учун бошқа омиллар билан бирга соғлом оилавий муҳит ҳам лозим. Бундай муҳит оила аъзоларининг бир-бирини тушунишга, оилавий муносабатларнинг тўғри

ўрнатилишига боғлиқ бўлади. Шундай экан, баркамол авлод учун тарбиявий муҳитни яратиш ота-онанинг бош вазифасидир.

Мустақил Ўзбекистон ижтимоий ҳаётидаги туб ўзгаришлар ҳам оилада янгиланиш, ўзгаришни амалга оширишни тақазо этади. Шу мақсадда, мамлакатимизда янги ҳуқуқий-демократик, инсонпарвар жамиятни қуриш, ислоҳотларнинг тақдири оилаларни мустаҳкамлигига, соғломлигига боғлиқ. Соғлом оила – бу жисмоний соғлом, маънавий бой баркамол фарзандлар тарбиялайдиган жамиятимиз ўзагидир. Мамлакатимизда мустақилликдан сўнг таъсис этилган биринчи давлат нишони “Соғлом авлод” орденининг таъсис этилиши, 2000 йилни “Соғлом авлод йили”, 2014 йилни “Соғлом бола” йили деб эълон қилиниши ёш авлод тарбияси ва оилавий муносабатлар учун муҳим ижобий аҳамият касб этди. Бу борада амалий ишлар ва ҳуқуқий мезонлар ўз навбатида Ватанимизнинг келажаги бўлган фарзандларимизнинг жисмоний, ақлий ва маънавий камол топиши учун қулай шарт-шароитлар яратишни тақазо этади [4]. Бу кўрилаётган чора-тадбирлар юртимизда баркамол авлод тарбиясига берилаётган давлат эътиборидан далолат беради.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда баркамол инсон тарбияси, оилавий муносабатлардаги низолар, оилаларни мустаҳкамлаш, оилада соғлом авлодни вояга етказиш ҳам, биринчи навбатда жамиятнинг иқтисодий ривожланишига ва унинг барқарорлигини таъминлаш асосий долзарб масалаларга айланди. Юксак ахлоқийлик, инсоний фазилатлар, ватанпарварлик, Ватан билан ғурурланиш ва унга муҳаббат, унинг бахт саодати, равнақи учун масъулиятни тарбиялаш, бузғунчи ғояларга, ёмон одоб-ахлоққа қарши нафрат руҳи даставвал оилада куртак отади. Оилада шаклланаган одоб-ахлоқ, хулқ-атвор кейинчалик маҳаллада, меҳнат жамоаларида, ўқув муассасаларида ривожланиб, шахснинг онги ва қалбига сингиб боради. Айнан жамият ривожида оиланинг ўрни ва аҳамияти ҳақида Биринчи Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Оилада, мактабда, меҳнат жамоасида, маҳаллада олиб бориладиган ахлоқий тарбия жамоатчилик фикрининг кучи, оммавий ахборот воситалари, дин пешволарининг обрў-эътибори ҳамма-ҳаммаси одамларимизда қонун бузилиши билан боғлиқ, ҳар қандай хатти-ҳаракатларга нисбатан барқарор қаршиликни шакллантиришга қаратилмоғи лозим” [3]. Ушбу мулоҳазаларга таянган ҳолда, айтиш керакки, оилада маънавий етук, баркамол инсонни тарбиялаш борасида аввало, ота-онанинг ўрни беқиёс бўлиб, барча тарбия воситалари ва омиллари ана шу икки буюк зотга боғлиқдир. Чунки ота-она оиланинг барча икир-чикирларига чидайдиган, фарзандлар камолоти йўлида жонини ҳам аямайдиган улуғ зотдирлар. Уларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати оиладаги барқарорликни таъминлашга, фарзандлар тарбиясини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, оила даврасида, маҳаллада ота-онанинг ижобий фазилат ва муносабатлари маҳалла аҳлининг жипслиги, болаларнинг тўғри тарбияланишини зарурий шартидир. Бу борада, болалар тарбиясида соғлом муҳит ва ижтимоий муносабатлардаги ҳамжиҳатлик, оилавий муносабатлардаги ўзаро аҳиллик, ҳамжиҳатлик, оиланинг моддий аҳволи, маънавий сифатларига эътибор бериш, эр ва хотин муносабатларидаги ҳурмат ва самимийлик, уларнинг педагогик-психологик билимлари ва тажрибаларига асосланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Р.Ишмухамедов, М.Юлдашев. Таълим ва тарбияда инновацион педагогик технологиялар (таълим тизими ходимлари, методистлар, ўқитувчилар, тарбиячи ва мураббийлар учун ўқув қўлланма) -Т.: 2013. -279 б.
2. Джўраев Р.Х., Турғунов С.Т., Назарова Г. Педагогика. -Т.: “Илм зиё”, 2013.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари. Т., “Ўзбекистон” 1997.
4. Каримова О. Оиланинг ҳуқуқий асослари - Т.: “Ўқитувчи” 2003 й.

WORDLY
KNOWLEDGE